

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТУКСАНОВА ЗЕБИНИСО ИЗАТУЛЛОЕВНА

**ОСТЕОАРТРОЗ КОМПЛЕКС РЕАБИЛИТАЦИЯСИГА
ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.12 – Тиббий реабилитология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)

Туксанова Зебинисо Изатуллоевна

Остеоартроз комплекс реабилитациясига
табақалаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш 3

Туксанова Зебинисо Изатуллоевна

Разработка дифференцированного подхода к
комплексной реабилитации больных остеоартрозом..... 27

Tuksanova Zebiniso Izatulloyevna

Development of a differentiated approach to
complex rehabilitation of patients with osteoarthritis..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТУКСАНОВА ЗЕБНИСО ИЗАТУЛЛОЕВНА

**ОСТЕОАРТРОЗ КОМПЛЕКС РЕАБИЛИТАЦИЯСИГА
ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.12 – Тиббий реабилитология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1179 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sportmed.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нурбаев Фармон Эргашович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Рахимова Дилором Алимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мирахмедова Ҳилола Тўхтасиновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 6-уй. Тел/факс: (+99871) 241-52-45. e-mail.: medsport@gmail.com).

Диссертация билан Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 6-уй. Тел/факс: (+99871) 241-52-45, факс. (+99871) 241-30-93

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Р. Мавлянов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.С. Ибрагимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент

А.А. Хаджиметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Остеоартроз - таянч-ҳаракат тизими касалликлари орасида кенг тарқалган бўғим касаллиги бўлиб, у кўп ҳолларда ногиронликка олиб келади. Бутунжаҳон касалликлар оғирлигини ўрганиш (Global Burden of Disease) 2019 йил, "...остеоартроз (ОА) ханузгача бутун дунё бўйича тарқалган бўлиб, кутилаётганидек семизлик ҳолатларининг ошиши ва аҳолининг қариши билан боғлиқ ҳолда кўпайиб боради"¹. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, остеоартроз касаллиги билан дунё аҳолисининг 16 % дан кўпроғи касалланган, бу эса ногиронликнинг сабаби бўлиб, беморларнинг ҳаёт сифатининг ёмонлашишига олиб келади. Башоратларга кўра, 2050 йилга келиб, дунё бўйлаб тахминан 1 миллиард киши остеоартроздан азият чекади, улардан 40 миллиони эса ногирон бўлиб қолади. Тарқалиши бўйича 365 миллион ҳолат бўлиб, шундан энг кўп зарарланган бўғим бу тизза соҳаси, кейин эса сон-чанок ва қўл соҳаларидир. Остеоартроз (ўртача ва оғир даражаси) билан яшовчи 344 миллион киши реабилитация чоралари касалликнинг динамикаси ва прогнозини яхшилаши мумкин бўлган оғирлик даражасига эга. Бундай беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш муаммоларини ҳал этиш борасида тадқиқот ўтказиш долзарблигини эътироф этиш жоиз.

Бутун дунёда остеоартрознинг патогенетик механизмларини шакллантиришни ўрганиш, барқарорлаштириш ва кейинчалик реабилитация қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бироқ, ушбу усуллардан фойдаланган ҳолда кўпчилик беморларнинг аҳоли объектив яхшиланганига қарамай, уларнинг маълум қисмида ҳаёт сифати, жисмоний кўрсаткичлар ва меҳнат қобилияти мақсадли даражага етмайди, бу эса юқори технологияли ва қиммат даволашнинг якуний самарадорлигини пасайтиради. Реабилитация ва курорт тиббиётида беморларнинг меҳнат қобилиятини самарали тиклай оладиган илмий асосланган самарали реабилитация технологияларининг кескин етишмовчилиги мавжуд. Бу эса тавсия этиладиган реабилитация усулларини қайта кўриб чиқиш ҳамда патогенетик механизмларига таянган ҳолда такомиллаштирилган ва индивидуаллаштирилган комплекс тикловчи даволаш усулларини ишлаб чиқиш заруратини туғдирмоқда.

Мамлакатимизда тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг тараққиёт стратегиясидаги еттита устувор йўналишлари бўйича "...аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тўлиқ ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини

¹ The World Bank. The Global Burden of Disease: Europe and Central Asia Regional Edition. Seattle: IHME; 2019. Available at:http://www.healthdata.org/sites/default/files/files/policy_report/2013/WB_EuropeCentralAsia/IHME_GBD_WorldBank_EuropeCentralAsia_FullReport_RUSSIAN.pdf.

ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари”² белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда аҳоли ўртасида остеоартрознинг олдини олишда хавфли омилларни эрта аниқлаш, ёндош касалликларни бартараф этиш ва тўғри даволашни такомиллаштириш, касаллик асоратларини камайтириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ва қарорлари ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиёт манбалари шуни кўрсатадики, тизза бўғими остеоартрози кузатувларнинг 8 дан 21% гача меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамларнинг ишлаши ва ногиронлигининг сезиларли даражада пасайишига олиб келади (Берглезов М. А., Андреева Т. М. 2006, Брагина С. В. 2012). Касаллик ривожланишининг патогенетик механизмларини тушуниш соҳасида олиб борилган тадқиқотлар классик даволаш схемасига тузатишлар киритмоқда ва бу муаммо амалиёт шифокорларнинг диққат марказида бўлиб қолмоқда (Пилипович А.А., 2016).

Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, ОА да дегенерация ва бўғим тоғайида параллел равишда, баъзида ортиқча тартибсиз регенерация кузатилади. Бу муаммо бўйича “Колибри” клиник тадқиқоти олиб борилган. Ушбу тадқиқот ушбу касалликни даволашда янги ёндашувларни топишга қаратилган эди (Чечилова С.К., 2022).

Андрейчук О.Я. (2012), Войченко Н.В. (2018) тадқиқот маълумотларига кўра, остеоартрози хондропротекторлар ва ностероид яллиғланишга қарши

² “2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2022 йил, 28 январ. ПФ-60-сон. www.lex.uz.

препаратлар (НЯҚП) билан комплекс даволаш етарли самарадорликка эга эмас.

Шунингдек, остеоартрознинг эпидемиологияси, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш усулларига оид илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлари томонидан олиб борилмоқда. Остеоартрозни ўрганиш бўйича Халқаро Жамият (Osteoarthritis Research Society International, OARSI, 2019 й.), остеопороз, остеоартроз ва таянч-ҳаракат касалликларининг клиник ва иқтисодий жиҳатлари бўйича Европа Жамияти, (European Society for Clinical and Economic Aspects of Osteoporosis, Osteoarthritis and Musculoskeletal Diseases, ESCEO, 2019 й.), Америка Ревматология коллежи (American College of Rheumatology, ACR, 2019 й.), Европа ревматизмга қарши Лигаси (European League Against Rheumatism, EULAR, 2018 й.). 2018 йилда EULAR ва 2019 йилда ACR томонларидан қўл бўғимлари ОА билан оғриган беморларни олиб бориш бўйича тавсияномалар нашр этилган.

Мамлакатимиз олимларининг илмий ишлари, гендер хусусиятларни ва ёндош касалликларни, хусусан, юрак-қон томир тизими патологиясини ҳисобга олган ҳолда, остеоартрозни даволашнинг янги самарали усулларини ўрганишга қаратилган (Насирдинов Н., 2019). Бошқа илмий ишлар касалликнинг давомийлигини (Ҳамраев А.Ш., 2020), бўғимларнинг зарарланиш даражасини, хавфли омиллари ва асоратларини (Акрамов В.Р., 2022) ҳисобга олган ҳолда, самарали терапия – консерватив ёки жарроҳлик аралашувни танлашга бағишланган.

Шундай қилиб, бу касалликнинг сабаблари, афтидан, касалликнинг якуний клиник кўринишини белгилайдиган таянч-ҳаракат тизими касалликларининг патогенези механизмларининг турли хиллиги билан боғлиқ. Шу муносабат билан даволанишдан кейинги ва у билан чамбарчас боғлиқ бўлган реабилитация босқичининг ўрни яққол намоён бўлади, яъни унинг якуний даври амбулатор ҳамда санаторий-курорт ташкилотларида, тиббиёт муассасаларининг физиотерапия бўлимларида энг самарали ҳисобланади.

ОА билан боғлиқ мавжуд қолдиқ таъсирлар ва асоратлар беморларни тиклаш ва реабилитация қилишнинг самарали усулларини излашни талаб қилади, уларнинг пайдо бўлиш частотасини камайтиришга имкон беради, долзарб ҳисобланади ва чуқурроқ ўрганишни талаб қилади.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №02.2018.PhD.003 сонли “Covid-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий-илмий лойиҳаси доирасида бажарилган (2022-2026 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади: Остеоартроз билан касалланган беморларга табақалаштирилган ёндашувга асосланган комплекс реабилитация усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

остеоартроз билан касалланган беморлар учун комплекс тикловчи даволаш усулларини такомиллаштириш;

реабилитация чора-тадбирлари (физиотерапия муолажалари ва даволовчи жисмоний машқлар) таъсирида остеоартроз кечишини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар динамикасини таққослаш орқали таҳлил этиш;

остеоартрознинг қиёсий таҳлил натижаларини баҳолаш орқали реабилитация усулларининг самарадорлигини белгиловчи омилларни аниқлаш;

комплекс даволаш натижасида остеоартроз билан касалланган беморлар бўғимлари ҳаракат функцияси ва касаллик кечувига салбий таъсир этувчи тана вазни индекси ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти: Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази травматология ва физиотерапия бўлимларида остеоартроз билан даволанган 203 нафар бемор тадқиқот объекти бўлди.

Тадқиқотнинг предмети клиник, инструментал, лаборатор ва функционал тадқиқот усулларининг натижалари эди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида антропометрик (бўйи, вазни, бўғим ҳаракатчанлигини текшириш (гониометрия)), инструментал (ультратовуш, рентген), лаборатор (ЭЧТ, лейкоцитлар) текшириш усуллари ва физиотерапевтик (электрофорез, лазертерапия, магниттерапия) тадқиқот усуллари қўлланилди. Йиғилган маълумотлар тиббий статистик ва математик усулларда таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

илк бор остеоартроз касаллиги реабилитациясини бўғим деструктив ва дегенератив жараёнлари ривожланиш босқичларини ҳисобга олиб фармакотерапевтик ва физикавий ёндашувлар ҳамда даволаш машқларига табақалаштирилган ва персонал комплекс реабилитация схемаларини шакллантириш орқали олиб бориш асосланган;

гонартроз ва коксартроз касаллиги реабилитациясида лазер ва магниттерапия, карипаин билан электрофорез, “скандинавча” юриш машқларини муайян кетма-кетлик ва комплекс қўллаш бўғим дегенератив жараёнлари патофизиологик механизмларига синергик таъсирга эришиш ҳисобига тиббий тикланиш жараёнини жадаллашуви ва даво самарадорлиги ошиши исботланган;

остеоартроз касаллиги реабилитациясида табақалаштирилган ва комплекс ёндашувларни қўллаш бўғимдаги деструктив жараёнларни бочқичма-босқич мақсадли бартараф этиши туфайли оғриқ синдромини камайиши ҳамда бемор ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшиланиши асосланган;

гонартроз ва коксартроз касаллигини даволашда “скандинавча” юриш оддий юришга қараганда беморлар бўғимларида ҳаракат функциясини тиклаш

билан бирга уларнинг тана вазни индексига таъсири нисбатан юқори эканлиги туфайли кўпроқ самара берганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

остеоартрозларда физиотерапевтик ва даволаш машқларининг такомиллаштирилган усули умумий амалиёт шифокори, физиотерапевтларга амалиётга жорий этиш учун тавсия этилган;

остеоартроз реабилитациясида физиотерапевтик муолажалар ва даволовчи жисмоний машқларни маълум кетма-кетликка риоя қилган ҳолда комплекс олиб бориш беморларда кузатилган клиник белгиларни бартараф этиши ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилаши исботланган;

остеоартроз билан касалланган беморлар комплекс реабилитациясида дифференциал ёндашуви бўйича дастур ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий клиник, инструментал, лаборатор, функционал тадқиқот усуллари, текширилган беморларнинг етарли сони, олинган маълумотларни статистик таҳлил қилиш учун асосли усуллар тўплами, ОА билан оғриган беморларни реабилитация қилиш усуллари оптималлаштириш ва такомиллаштириш, шунингдек, клиник-реабилитациясини ўрганиш соҳаси билан бирга халқаро ва маҳаллий адабиётларнинг тадқиқот натижаларини таққослаш, шаклланган хулосаларнинг асослилиги ва ваколатли органлар томонидан тасдиқланган далилларга асосланган тиббиёт тамойиллари асосида олинган натижаларга асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқотнинг клиник, лаборатор, рентгенологик ва инструментал текшириш маълумотларини ҳисобга олган ҳолда, остеоартрозни тикловчи даволаш усулини такомиллаштиришдан иборат бўлиб, бўғимларда барқарор ижобий функционал натижаларни таъминлаш ҳамда бу патологияни даволашда амбулатор ва стационар шароитларда индивидуал тарзда табақалаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти даволовчи жисмоний машқларни “скандинавча” юриш билан биргаликда комплекс қўллаш беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш билан бўғимларда дегенератив ўзгаришларнинг кейинги ривожланишининг олдини олишга имкон бериши билан, шунингдек, касалликнинг натижаси ва иқтисодий самарадорлигини аниқловчи оптимал реабилитация дастурини аниқлаш ва даволаш натижаларини динамикада объектив баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 4 декабрдаги 23-Z/086-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2021 йил 20 декабрдаги 01/4951-сонли хати юборилган):

биринчи илмий янгилик: остеоартроз касаллиги реабилитациясида фармакотерапевтик ва физикавий ёндашувлар ҳамда даволаш машқларига табақалаштирилган комплекс реабилитация схемалари шакллантирилган.

Бўғим деструктив ва дегенератив жараёнлари ривожланиш босқичлари ҳисобга олиниб индивидуал ёндашган ҳолда Жуйзар соғломлаштириш маскани бўйича 2021 йил 30 январдаги 4/1-сонли буйруқ билан, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 2021 йил 1 февралдаги 5/1-сон буйруқ билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: остеоартроз касаллиги клиник ўзига хослигини ўрганиш катта аҳамиятга эга бўлиб, остеоартроз клиник белгилари оғирлигини ВАШ ва Лекен индекси баҳолаш шкаласидан фойдаланиш касаллик оғирлик даражасини ўз вақтида аниқлаш ва унга мувофиқ мақбул даво чоралари қўлланилишини таъминлаган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг амбулатор поликлиника ва стационар муассасаларининг харажатлар сметасидан олинган маълумотларга қараганда туманлар худудидаги поликлиника, ОШП лардаги қатновларга ажратилган маблағ 6828 сўмни ташкил қилган. Амбулатор шароитда тиббий ёрдам учун 1 та бемор 1 та ташрифи учун 6828 сўм маблағ сарфланган ва давлат бюджети ҳисобидан ажратилган. Беморда бўғим МРТ текшируви 220000 сўм, бемор учун 270000 сўм маблағ сарфланган. Остеоартроз мавжуд беморлар сони республика миқёсида кўплиги ҳисобга олинса, тежалган иқтисодий харажат ҳар бир бемор учун 186655 сўмни ташкил қилган ва камайтиришга эришилди. **Хулоса:** Остеоартроз билан касалланган беморларда комплекс реабилитация даво натижасида бўғим атрофидаги тўқималарнинг шиши камайиши ва оғриқлар камайганлиги сабабли уларнинг умумий аҳволининг яхшиланиши қайд этилди. Бўғимда шиш 2,3 маротаба, ҳаракат чекланганлиги 2,1, сиқилишлар 1,1, деформация 1,2 бараварга камайган.

иккинчи илмий янгилик: остеоартроз касаллиги реабилитациясида лазер ва магнитотерапия, карипаин билан электрофорез, “скандинавча” юриш комплекс қўлланилди ва УТТ асосида динамик кўрсаткичлар натижаси баҳоланди. Бўғим дегенератив жараёнлари патофизиологик механизмларига синергик таъсирига эришиш ҳисобига тикланиш жараёнини жадаллашуви ва самарадорлиги Жуйзар соғломлаштириш маскани бўйича 2021 йил 30 январдаги 4/1-сонли буйруқ билан, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 2021 йил 1 февралдаги 5/1-сон буйруқ билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: остеоартроз реабилитациясида физиотерапевтик муолажалар ва даволовчи жисмоний машқларни комплекс олиб бориш беморларда кузатилган клиник белгиларни бартараф этиши ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: даволаш чора-тадбирлари сарф-харажатларини камайиши шифокор кўриклари, дори дармонлар, стационарга мурожаат каби муолажаларнинг қисқариши билан белгиланган. Шифокорга мурожаат сарф-харажатининг ўртача улуши 650000 сўм, бундан бир марта шифокорга мурожаатнинг ўртача қиймати 65000 сўм, бир касалликни даволаш учун шифокорга мурожаатлар сони умумий 650000 сўм. Стационарда даволаниш кунининг қисқаришидаги иқтисодий улуш 220000 сўм. Стационар бўлимида беморни даволанишининг

1 ўрин куни ўртача қиймати, асосий ва тавсия этилаётган вариантларда бир касалликни даволаш учун стационар бўлимида ўрин кунлари сони қисқарган. **Хулоса:** тавсия этилган комплекс реабилитация чора-тадбирлари бемор бўғимидаги дегенератив-дистрофик жараёнларнинг тикланиш давомийлигини қисқариши, жараён жадаллашувини тўхтатиш ва ремиссиянинг даврини узайтириш ҳисобидан келиб чиққан.

учинчи илмий янгилик: остеоартроз касаллиги реабилитациясида табақалаштирилган ва комплекс ёндашувларни қўллаш бўғимдаги деструктив жараёнларни босқичма-босқич мақсадли бартараф этиши туфайли оғрик интенсивлиги камайиши ҳисобидан бемор ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшиланишига эришилган Жуйзар соғломлаштириш маскани бўйича 2021 йил 30 январдаги 4/1-сонли буйруқ билан, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 2021 йил 1 февралдаги 5/1-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: табақалаштирилган ёндашув беморларни физиотерапия усуллари билан қамраб олиш даражасини кенгайтиришга, даволаш самарадорлигини оширишига, стационарда ётиш кунларини қисқаришига, ногиронликни олдини олишга, ножўя реакциялар ҳолатларини камайитиришга, беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга олиб келди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: тавсия этилаётган даволаш чора-тадбирларининг йиллик самарадорлиги қуйидагича: тавсия этилаётган даволаш усулининг умумий иқтисодий улуши 23065724 сўм. Бундан: бир иш кунида 1 нафар бемор учун ялпи ички маҳсулот ўртача қиймати 47200 асосий ва тавсия этилаётган вариантларда бир ҳодиса учун меҳнатга лаёқатсизликнинг ўртача давомийлиги; вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликнинг бир куни учун ўртача маблағ миқдори 1267452 сўмни ташкил қилган. **Хулоса:** физиотерапевтик муолажалар ва даволовчи жисмоний машқларни комплекс олиб бориш беморларда ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшиланишига ҳамда уларда жисмоний ва руҳий фаолликнинг ошишига имкон берган.

тўртинчи илмий янгилик: остеоартроз касаллигини физиотерапевтик муолажалар билан даволашда биринчи навбатда оғрикли соҳага магниттерапия, кейин эса “Карипаин” дори воситаси билан электрофорез, ҳамда лазертерапия муолажалари комплекс қўлланилган. Электрофорез туфайли терининг ўтказувчанлиги ошди ҳамда юборилган дори препарати деполанди. Скандинавча юриш зарарланган бўғимда тўпланган дори компонентларини бўғим юзасида текис суркаланишига ва бунинг натижасида комплекс даво самарадорлиги ошишига эришилганлиги Жуйзар соғломлаштириш маскани бўйича 2021 йил 30 январдаги 4/1-сонли буйруқ билан, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 2021 йил 1 февралдаги 5/1-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: остеоартроз билан касалланган беморларни реабилитация қилишнинг асосий тамойилларига риоя қилган ҳолда тиббий реабилитация қилиш чора-тадбирларини янада тўлиқ ҳажмда амалга ошириш вақтинчалик меҳнатга яроқсизликнинг

камайишига, умуман ногиронлар сони ва унинг оғирлик даражасининг камайишига олиб келган. Бу эса иш вақтининг йўқотилиши ва давлат ижтимоий суғурта бюджети харажатларини камайтиришга, шунингдек, меҳнат ресурсларини сақлашга ёрдам берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** куйидагилардан иборат: остеоартроз касаллигини даволашда магнитотерапиядан сўнг “Карипаин” дори воситасини электрофорезини лазертерапия билан ҳамда “скандинавча” юришни комплекс қўлланилишини амалиётга жорий қилиниши натижасида: 1 нафар бемор ҳисобидан бюджет маблағларини 7840000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 2203000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. **Хулоса:** остеоартроз касаллигини даволашда “Карипаин” электрофорези, магнитотерапия, лазертерапияни комплекс қўлланилиши 1 нафар бемор ҳисобидан бюджет маблағларини 7840000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 2203000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та (6 та республика ва 1 та халқаро) журналларда эълон қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хотима, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асосланади, объект ва предмет тавсифланади, тадқиқотнинг республика фан ва техникаси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари, уларнинг илмий-амалий аҳамияти, натижаларни амалиётга татбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар баён қилинади.

Диссертациянинг **“Остеоартроз эпидемиологик тавсифи, патогенези ва даволаш”** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили келтирилган, муаммонинг замонавий ҳолати ва остеоартроз тарқалиши, патогенетик ва клиник хусусиятлари бўйича кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар, остеоартроз таснифи, эндоген ва экзоген омилларнинг таъсири таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Остеоартроз билан касалланган беморларнинг клиник хусусиятлари тавсифи ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида текширув материаллари ва усуллари, клиник ва инструментал тадқиқотларнинг умумий тавсифлари, касалликларнинг тузилиши ва

қўлланиладиган табақалаштирилган реабилитация усуллари ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилган. Илмий иш 2018-2021 йиллар давомида Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида ўтказилган бўлиб, 203 нафар сончаноқ ва тизза бўғимлари ОА билан оғриган беморларни камраб олган. Тўлиқ клиник, лаборатор ва инструментал текширув ўтказилди.

Тадқиқот учун беморларни киритиш мезонлари: 34 ёшдан 68 ёшгача бўлган (ўртача ёши $53,8 \pm 0,96$) остеоартроз ташхиси қўйилган тадқиқотга розилик берган эркак ва аёл беморлар. Улардан 137 (67,5%) беморда гонартроз (68,9%; 66,0%) (код М17, синф XIII, ХКТ-10) ва 66 (32,5%) беморда коксартроз (31,1%; 34,0%) (код М16 синф XIII, ХКТ-10).

Ўрганилаётган беморларда чеклаш мезонлари: физиотерапевтик муолажаларга умумий монетликлар, бўғимларда кўплаб шикастланишлар мавжудлиги, Kellgren-Lawrence бўйича рентгенографиянинг IV даражаси бўлган беморлар, ҳаракатланишнинг қийинлиги ва ўз-ўзига хизмат кўрсата олмаслиги, ревматоид артрит, ички орган касалликларининг субкомпенсация ва декомпенсация даври, онкологик касалликлар, руҳий касалликлар, ҳомиладорлар, бўғим ичи инъекция олганлар, анемия оғир даражаси, қон касалликлар, тадқиқотда иштирок этишга розилик беришни истамаганлар.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи мақсад ва вазифаларни белгилаш, беморнинг аҳволини баҳолаш учун расмийлаштирилган харитани яратиш, ҳаёт сифати ва ҳаёт фаолиятини чеклашини баҳолайдиган сўровномани танлаш, гуруҳларга бўлиш ва уларни қиёсий ажратишни ўз ичига олди.

Расмийлаштирилган харитани яратишда уларнинг ҳар биридаги ўзгаришларни бирлик доирасида хусусиятларни миқдорий баҳолашга катта эътибор берилди.

Ҳар бир бемор учун индивидуал рўйхатга олиш картаси тўлдирилди. Ушбу картада антропометрик маълумотлар (вазни, бўйи, ТВИ), анамнестик маълумотлар, ёндош касалликлар, касалликнинг давомийлиги, бўғимнинг ҳолати ва бемор кўруви.

Тадқиқотга қўйилган вазифаларга ва кузатилган беморларнинг хусусиятларига мувофиқ, диссертация ишида терапевтик таъсирларнинг самарадорлигини баҳолашнинг умумий қабул қилинган мезонлари қўлланилди: бўғимдаги оғриқ динамикаси, эрталабки қарахтлик, функционал фаоллик ва беморнинг ҳаёт сифати.

Эрталабки қарахтлик. Бемор бўғимидаги эрталабки қарахтлик вақти дақиқаларда аниқланди (15 дақиқадан кам, 15 дақиқадан кўпроқ).

Тана вазни индексини аниқлаш (ТВИ). Тана вазни индекси қуйидаги формула ёрдамида аниқланди: M/L , бу ерда M – тана вазни (кг), L – бўйи (m^2). Текширилаётган беморлар орасида (ўртача ТВИ $39,87 \pm 0,44$: $38,84 \pm 0,63$).

Бўғимларда оғриқ интенсивлигини ва даволаш самарадорлигини баҳолаш учун визуал-аналог шкаласи қўлланилди, “оғриқ йўқ” ва “жуда кучли оғриқ” иккита чекка нуқта жойлашган узунлиги 100 мм бўлган горизонтал тўғри чизиқ бўлиб, ВАШ шкаласи бўйича оғриқ якуний баҳоланди.

Альгофункционал Лекен индекси (M. Lequesne, 1987). Беморлар мустақил равишда даволанишдан олдин ва кейин сўровномани тўлдиришди ва

хар бир савол учун балларни умумлаштирилиб остеоартрозни даволаш усулининг самарадорлиги баҳоланди.

Остеоартроз билан касалланган беморларни тизза ва чаноқ-сон бўғимларининг динамик ҳаракатчанлигини гониометрия ёрдамида аниқланди. Бўғимлар ҳаракатчанлик диапазони ҳар 3, 6, 12 ойда даволанишдан олдин ва даволанишдан кейин аниқланди.

Ультратовуш текшируви (“Vivid S60” Швеция) бўғимнинг тўртта проекциясида ўтказилди. Тизза ва чаноқ-сон бўғимларининг ультратовуш текшируви усули остеоартрозда бўғимлар яллиғланиш жараёнини кечишини аниқлаш ва даволаш самарадорлигини баҳолаш имконини берди.

Диагностик мақсадларда рентгенография усулидан фойдаланилди (Kellgren ва Lawrence бўйича ОА оғирлик даражасини аниқлаш учун).

Беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш учун SF-36 сўровномаси қўлланилди. Ушбу анкета беморлар томонидан даволанишдан олдин ва кейин ҳар 3, 6, 12 ойда тўлдирилди.

Тадқиқотни ўтказиш учун беморлар жинси, ёши, яшаш жойи ва касалликнинг давомийлиги бўйича 2 гуруҳга бўлинди.

Бўғимнинг зарарланган соҳаси бўйича умумий кўрсаткичлар гонартроз 67,5%, коксартроз эса 32,5% ифодаланди. Гуруҳлар бўйича таҳлил этадиган бўлсак гонартроз (68,9% - 66,0%), коксартроз эса (31,1% – 34,0%) ни ташкил этди. Остеоартроз билан оғирган беморлар орасида қишлоқ аҳолиси шаҳар аҳолисига нисбатан устунлик қилгани қайд этилди – (69,5% - 30,5%). Гуруҳлар бўйича таҳлил этганда қишлоқ аҳолиси (76,7% : 62,0 %), шаҳар аҳолиси эса (23,3 % : 38,0 %) нисбатда кузатилди.

1-жадвал

ОА билан касалланган беморларнинг табақаланиши

Кўрсаткичлар	I гуруҳ (асосий), n=103			II гуруҳ (назорат), n=100		
	Жами	Аёл	Эркак	Жами	Аёл	Эркак
40 ёшгача	10,7*	8,9	16,67	16,7*	10,5	27,3
41-50 ёш	16,5*	16,4	16,67	16,7*	15,8	18,2
51-60 ёш	43,7*	45,6	37,50	40,0*	42,1	36,3
61-70 ёш	29,1*	29,1	29,17	26,6*	31,6	18,2
1-5 йил	77,7^	77,2	79,2	63,3^	68,4	54,5
6-10 йил	16,5^	17,7	12,5	33,3^	31,6	36,4
11 й. ва ундан орти	5,8^	5,1	8,3	3,4^	-	9,1
ТВИ	39,87±0,44	40,03±0,53	39,7±0,68	38,84±0,63	39,0±0,82	38,69±1,03
ЭЧТ, мм/с	16,01±2,44	16,71± 0,82	15,49± 1,47	15,51± 0,59	15,98± 2,83	15,04± 0,76
Лейкоцит, × 10 ⁹ /л	7,91±1,17	8,01±0,82	7,82±0,94	7,67±0,22	7,74±0,16	7,61±1,53

Изоҳ: Ишончлилиқ даражаси - *p<0,03; ^p<0,05.

Касалликни ёшга қараб таҳлил этганда, барча гуруҳларда 51-60 ёшдагилар орасида бу касаллик юқори кўрсаткични (43,7% : 40,0%) кўрсатди.

Касалликнинг кечиш давомийлигини таҳлил қилганда, энг юқори кўрсаткич (77,7%: 63,3%) 1-5 йилгача бўлган давр эканлиги аниқланди (1-жадвал).

Остеоартроз касаллигини Kellgren ва Lawrence рентгенологик босқичлари бўйича таҳлил этганда иккала гуруҳда ҳам 2-босқичнинг нисбатан юқори кўрсаткични намоён этганини кўриш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Остеоартроз билан касалланган беморларда касалликнинг оғирлик даражаси бўйича тавсифи

Гуруҳ	Ташхис	Kellgren ва Lawrence рентгенологик босқичлари (%)		
		I	II	III
асосий гуруҳ	Гонартроз	18 (25,3%)	31 (43,7%)	22 (31,0%)
	коксартроз	11 (34,4%)	14 (43,7%)	7 (21,9%)
назорат гуруҳи	гонартроз	16 (24,2%)	27 (40,9%)	23 (34,9%)
	коксартроз	12 (35,3%)	14 (41,2%)	8 (23,5%)

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар назорат остидаги беморларни касалликнинг нозологияси, ёши, жинси ва касалликнинг давомийлиги, рентгенологик босқичлари бўйича репрезентатив ва турли ёндашувларда баҳолашда олинган натижаларни таҳлил қилиш имконини берди.

Тадқиқот материаллари параметрик ва нопараметрик таҳлил усулларидадан фойдаланган ҳолда статистик ишлов бериб ўрганилди. Дастлабки маълумотларни тўплаш, мослаштириш, охириги маълумотларни тизимлаштириш ва олинган натижаларни визуализация қилиш Microsoft Office Excel 2016 электрон жадвалларида амалга оширилди. Статистик таҳлил IBM SPSS Statistics v.26 (ишлаб чиқарувчи - IBM Corporation) ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи бобида **“Остеоартрозда дифференциал ёндашув асосида реабилитация усуллариининг самарадорлигини баҳолаш”** шахсий изланишлар натижалари тақдим этилган.

Остеоартрозда илмий тадқиқотлар давомида биз томонимиздан фармакотерапевтик ва физиотерапевтик ёндашувлар шакллантирилди, шунингдек, даволаш машқлари ёрдамида табақалаштирилган ва индивидуал комплекс реабилитация схемаларини ишлаб чиқилди.

Физиотерапевтик муолажалар. Дорили электрофорез ВТЛ-4000 Smart/Premium аппарати ёрдамида амалга оширилди. Биз асосий гуруҳдаги беморлар учун электрофорезни карипаин (1,0 г) билан ўтказдик. Даволашдан олдин 1 флакон препарат 10 мл физиологик эритмага эритилди, 2-3 томчи димексид томизилди (препаратнинг териға яхши кириши учун) ва мусбат кутбнинг электроди устиға жойлаштирилган фильтр қоғозға солиниб тизза ёки чаноқ-сон бўғими оғриқли соҳасиға кўйилди. Биринчи электродға параллел равишда манфий кутбли электродға 2,4% ли эуфиллинни ўз ичига олган фильтр қоғоз кўйилди.

Назорат гуруҳидаги беморларда лидокаин (0,5-1,0% -2 мл) билан электрофорез ўтказилди. Лидокаиннинг 1 ампуласи мусбат кутбли электродға ўрнатилган фильтр қоғозиға жойлаштирилди ва тизза ёки чаноқ-сон


бўғимининг оғриқли соҳасига, манфий кутб эса ҳеч қандай дори воситасиз мусбат кутбга параллел қўйилди. Иккала гуруҳдаги беморлар учун муолажалар 15-20 дақиқа давом этди, беморнинг сезгисига қараб 12-15 МА гача ток кучи берилди. Электрофорез билан даволаш ҳар куни ва мунтазам равишда амалга оширилди. Курслар сони касалликнинг рентгенологик босқичига қараб ўтказилди (одатда 2-3 курс). Даволашнинг бир курси иккала гуруҳда ҳам 15 муолажани ташкил этди.

Магнитотерапия (BTL-4000 Smart/Premium, Англия) паст частотали ўзгарувчан магнит майдони таъсирида амалга оширилди. Муолажа 15 кун давомида олиб борилди, битта муолажа давомийлиги 20 дақиқа.

Лазер терапияси BTL-4000 Premium аппарати ёрдамида контактсиз, тўлқин узунлиги 0,8-0,9 мкм бўлган импульсли инфрақизил лазер нурланиши ёрдамида амалга оширилди. Кучли оғриқ бўлганда 50-100 Гц частотада, оғриқ камайганидан кейин эса 5-10 Гц частота билан таъсир этилди. Даволаш жараёнида бўғим соҳасидаги биологик фаол нуқталарга кетма-кет таъсир этилди, ҳар бир нуқтага таъсир қилиш майдони 1 см ни ташкил этди. Ҳар бир зонага таъсир қилиш вақти 3-5 дақиқа, умумий вақт 15-20 дақиқага етди. Муолажа 15 кун давомида олиб борилди.


Остеоартроз билан касалланган беморларда комплекс физиотерапевтик муолажалар натижасида бўғим атрофидаги тўқималарнинг шиши камайиши ва оғриқлар камайганлиги сабабли уларнинг умумий аҳволининг яхшиланиши қайд этилди ($p < 0,05$).

1-расмда кўриниб турибдики, асосий гуруҳдаги беморларда барча клиник кўрсаткичлар сезиларли даражада яхшиланган ($p < 0,05$), бўғимдаги ҳаракат чекланганлиги ($3,06 \pm 1,51$: $0,86 \pm 0,07$); бўғимдаги сиқилишлар ($0,76 \pm 0,04$: $0,35 \pm 0,05$); деформация ($2,35 \pm 1,16$: $1,02 \pm 0,07$); шиш ($2,49 \pm 0,05$: $0,11 \pm 0,03$). Аммо назорат гуруҳи беморлари кўрсаткичлари сезиларли даражада ўзгаришларни бермади ($2,93 \pm 0,10$: $2,80 \pm 0,24$); ($0,83 \pm 0,07$: $0,80 \pm 0,06$); ($1,30 \pm 0,12$: $1,26 \pm 0,11$); ($2,67 \pm 0,09$: $2,58 \pm 0,06$).



1-расм. ОА да тизза бўғимидаги клиник-рентгенологик ўзгаришлар


Чаноқ-сон бўғимидаги клиник кўрсаткичларни таҳлил этадиган бўлсак (2-расм), асосий гуруҳдаги бўғимдаги ҳаракат чекланганлиги ($4,17 \pm 0,19$; $2,01 \pm 0,14$) ва бўғимдаги шиш ($2,91 \pm 0,51$; $1,02 \pm 0,33$) сезиларли даражада яхшиланганлигини кўриш мумкин, бўғимдаги сиқилишлар ($1,03 \pm 0,16$; $0,88 \pm 0,12$); деформация ($2,83 \pm 0,72$; $2,24 \pm 0,70$) кўрсаткичларида ўзгаришлар унчалик катта фарқ қилмайди. Назорат гуруҳидаги кўрсаткичлар эса даволашдан олдин ва кейинги ўзгаришлар орасидаги фарқ барча мезонлар бўйича унчалик катта эмас: ҳаракат чекланганлиги ($3,98 \pm 0,04$; $2,77 \pm 0,07$); бўғимдаги сиқилишлар ($1,42 \pm 0,74$; $1,13 \pm 0,01$); деформация ($2,45 \pm 0,55$; $1,69 \pm 0,38$); бўғимдаги шиш ($2,84 \pm 0,66$; $2,08 \pm 0,12$).



2-расм. ОА да чаноқ-сон бўғимидаги клиник-рентгенологик ўзгаришлар

Бинобарин, остеоартроз билан касалланган беморларда лазертерапияси ва электрофорезни қарипаин билан биргаликда қўллаш юқори самарадорликни кўрсатди ва даволашнинг патогенетик жиҳатдан асосланган усули ҳисобланади. Чунки, қарипаин билан электрофорезни қўлланганда, тери остида патологик жараён соҳасида ферментлар депоси ҳосил бўлади ва терапевтик таъсир даволаш тугаганидан кейин ҳам 2-3 ҳафта сақланиб қолади. Беморларга биринчи навбатда магнитотерапия, кейин эса қарипаин билан электрофорез буюрилди. Бундай комбинация терининг дори воситасига (қарипаин) нисбатан ўтказувчанлигини оширишга ва даволанишнинг умумий самарадорлигини юқори натижаларга олиб келади.

Даволанишдан сўнг оғриқ интенсивлиги ВАШ шкаласи I гуруҳ ($6,36 \pm 0,16$; $1,84 \pm 0,11$); II гуруҳ ($6,53 \pm 0,17$; $4,27 \pm 0,23$) ва Лекен индекси ёрдамида асосий ($5,23 \pm 0,32$; $2,17 \pm 0,14$) ва назорат гуруҳидаги ($5,47 \pm 0,27$; $5,01 \pm 0,23$) беморларда баҳоланди. Даволанишдан олдин ва кейин кўрсаткичларни таҳлил этиб, кейин эса асосий ва назорат гуруҳларида ушбу икки кўрсаткич орасида куйидаги фарқлар аниқланди: ВАШ шкаласи бўйича ($4,52 \pm 0,05$; $2,26 \pm 0,09$) ($p < 0,05$); Лекен индекси бўйича ($3,06 \pm 0,09$; $0,46 \pm 0,01$) (3-расм).



3-расм. Оғриқнинг интенсивлигини аниқлаш (ВАШ шкаласи ва Лекен индекси бўйича)

Даволашнинг бир курсидан сўнг асосий гуруҳнинг кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар кузатилди, тунги оғриқлар пасайди ва эрталабки бўғимларнинг қарахлиги вақти сезиларли даражада қисқарди ($p < 0,05$) (3-жадвал). Аммо назорат гуруҳидаги бу кўрсаткичлар ижобий эмасди.

3-жадвал

Кўрсаткичларнинг қиёсий динамикаси

Кўрсаткичлар	I гуруҳ (асосий)	II гуруҳ (назорат)
Кечки оғриқлар интенсивлиги	$1,30 \pm 0,06^*$ $0,26 \pm 0,05^*$	$1,57 \pm 0,11$ $1,43 \pm 0,11$
Эрталабки қарахтлик	$1,23 \pm 0,05^*$ $0,11 \pm 0,07^*$	$1,40 \pm 0,09$ $1,23 \pm 0,09$

Изоҳ: * Даволашдан олдин ва кейинги кўрсаткичлар фарқи $p < 0,05$

Биз томонимиздан тавсия қилган реабилитация даволаш усуллари комплекси физиотерапевтик муолажалар билан бир қаторда даволаш жисмоний машқлар ва тоза ҳавода юришни ўз ичига олади.

Биз биламизки, даволаш жисмоний машқлар учта асосий қисмдан иборат:

- кириш қисми - унинг давомида тана асосий жисмоний зўриқишни бажаришга тайёрланади. Бунда нафас ва умумий қувватловчи машқларини бажаришади, бу умумий вақтнинг 15-25% ни ташкил қилади;

- асосий қисм - бунда организмга махсус машқлар берилади ва уни жисмоний фаолиятга мослаштириш амалга оширилади. Машқлар ва жисмоний зўриқишлар аста-секин ўсиб боради, биринчи навбатда умумий вақтнинг 50%, кейин 70% ажратилади;

- якуний қисм - унинг давомида танага енгил, бўшаштирувчи машқлар берилади, тананинг асл ҳолатига қайтишини таъминлайди. Биринчи, умумий вақтнинг 25%, кейин эса 15% ажратилади.


Юқоридаги даволаш жисмоний машқлар асосида биз қуйидагича амалга оширдик:

Даволаш жисмоний машқлар даволанишнинг 3-кунидан бошлаб тавсия этилади. Остеоартроз да даволаш жисмоний машқлар бўғимлардаги оғриқнинг характерига қараб, ўтирган ва ётган ҳолатда, ҳаракатлар ҳажмини аста-секин ошириб, индивидуал равишда олиб бордик. Кучли оғриқни келтириб чиқарадиган кескин ҳаракатлар ва машқлар бажарилмади. Биз даволаш жисмоний машқларни бажаришнинг асосий тамойилига - машқларнинг мунтазамлиги ва босқичма-босқичлигига риоя қилдик. Шунингдек, ҳар бир машқни бажаришда беморнинг юрак уриши ва қон босими ҳисобга олинди.

1. Кириш: эрталабки гигиеник машқлар (нафас олиш машқлари); бажариш вақти 2-3 дақиқа. 2. Асосий қисм: бўғимларнинг ҳаракатчанлигини яхшилаш учун биз томонимиздан танлаган махсус машқларни бажаришди (“капалак” ҳолати машқи, чаноқ-сон ва тизза бўғимлари учун махсус машқлар). Дастлабки ҳолат ўтирган ва ётган ҳолда; тезлиги ўртача; ҳаракат 5 дан 8 мартагача такрорланади. 3. Якуний қисм: тананинг асл ҳолатига қайтишини таъминлаш учун нафас ва бўшаштирувчи машқлар берилди, давомийлиги 2-3 дақиқани ташкил этди.


Даволаш жисмоний машқлардан сўнг беморларнинг асосий гуруҳига скандинавча юриш, назорат гуруҳига эса юриш тавсия этилди. Ҳар икки гуруҳда ҳам юриш вақти 30 дақиқани ташкил этди.

Бўғим ҳаракатларидаги ўзгаришлар динамикасини гониометрия билан ўлчаб, уларни ҳар 3 ойда таққослаб бордик. ОА билан оғриган беморларда бўғимлардаги ҳаракатларнинг динамикаси 3,4-расмларда келтирилган. ОА билан оғриган беморларда тикловчи даволаш курсидан сўнг бўғимларда ҳаракатланиш ҳажми асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан кескин ортиши кузатилди.



Изоҳ: * Даволанишдан олдин ва кейинги кўрсаткичлар фарқи $p < 0,05$

4-расм. ОА да тизза бўғимидаги ҳаракат динамикаси (буқиш ва ёзиш, градусда)




Изоҳ: * Даволанишдан олдин ва кейинги кўрсаткичлар фарқи $p < 0,05$

5-расм. ОА да чаноқ-сон бўғимидаги ҳаракат динамикаси (буқиш, ёзиш, ташқарига ҳаракатлантириш, градусда)

Шуни таъкидлаш керакки, даволаш жисмоний машқлар ва скандинавча юришни физиотерапевтик муолажалар билан биргаликда олиб бориш бўғимдаги ҳаракат функциясини тиклашга ёрдам берди.

Маълумки, оддий юриш пайтида тана мушакларининг атиги 70%, скандинавчада юришда эса - 90%, шу жумладан билак, кўкрак, орқа ва қорин мушаклари ишлайди. Скандинавчада юришда деярли 2 баробар кўпроқ калориялар йўқотилади.

Биз томонимиздан тадқиқотдаги асосий гуруҳ беморларга даво машқлари ва скандинавча юриш, назорат гуруҳидаги беморларга эса даво машқлари ва оддий юриш тақдим этилди ва беморларнинг тана вазни индекси 3, 6, 12 ойларда динамик кузатилди. Натижалар шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги беморлар ТВИ даги кўрсаткич назорат гуруҳидаги ТВИ кўрсаткичига нисбатан анча юқори эканлиги аниқланди (6-расм).



6-расм. ТВИ нинг динамик ўзгариши

Шунга асосланиб, биринчи гуруҳдаги беморларнинг тана вазни индекси кўрсаткичи иккинчи гуруҳдаги ТВИ кўрсаткичлари орасидаги фарқни таҳлил этадиган бўлсак, даволашдан олдин ва кейинги натижалар гуруҳлар нисбатида (ТВИ = $8,36 \pm 1,68$; ТВИ = $2,22 \pm 1,49$) ни кўрсатди.

Диссертациянинг “Остеоартрозни даволаш тактикасини оптималлаштириш” тўртинчи бобида остеоартроз билан касалланган беморларни даволашда бўғимларда деструктив ва дегенератив жараёнлар ривожланиш босқичларини ҳисобга олган ҳолда, терапевтик ва физиотерапевтик ёндашувлар билан табақалаштирилган ва индивидуал комплекс реабилитация схемалари шакллантирилди ва такомиллаштирилди.

Шунга асосланиб, гонартроз ва коксартроз билан оғриган беморларни схема бўйича, маълум бир кетма-кетликда ва даволаш усулларининг мослигини ҳисобга олган ҳолда реабилитация усулларини олиб бордик.

Kellgren-Lawrence бўйича, 1-гуруҳдаги беморлар “Карипаин” билан электрофорез, 2-гуруҳдаги беморлар эса лидокаин билан электрофорез муолажасини олишди. Даволашнинг самарадорлигини Лекен функционал индексидаги ўзгаришлар, ВАШ шкаласи бўйича оғриқ интенсивлиги, яъни юриш ва дам олиш вақтидаги оғриқ, гониометрия маълумотлари билан баҳоладик.

Даволанишдан олдин иккала гуруҳдаги беморларда оғриқ синдромининг кучлилиги, клиник ва рентгенологик кўринишларда фарқлар йўқ эди, аммо ВАШ шкаласи бўйича ҳаракат пайтидаги оғриқ I гуруҳдаги беморларда юқори эди ($p < 0,01$). Даволанишнинг 1-ойидан бошлаб иккала гуруҳдаги беморларда оғриқ ва касалликнинг бошқа клиник белгилари камайди, лекин I гуруҳда кўрсаткичлар ишончлилиги намоён бўлди (4-жадвал).

4-жадвал

Лекен индекси бўйича кўрсаткичларни баҳолаш

Кўрсаткичлар	Муолажадан олдин		Муолажадан кейин	
	I гуруҳ	II гуруҳ	I гуруҳ	II гуруҳ
кечаси оғриқ ёки нохуш сезги сезиш	1,53±0,06	1,32±0,11	0,86±0,05*	1,27±0,11
эрталабки карахтлик давомийлиги	1,23±0,05	1,21±0,09	0,62±0,05*	1,10±0,09
30 дақиқа тик ҳолатда турганда оғриқ кучайиши	1,21±0,03	1,02±0,01	0,65±0,04	0,97±0,03
юрганда оғриқ	1,34±0,05	1,20±0,09	0,19±0,04*	1,12±0,10
2 соат ўтиргандан сўнг оғриқ бўлиши	1,31±0,03	0,87±0,06	0,51±0,04	0,72±1,06
юришдаги масофани чеклаш	2,17±0,05	2,15±0,02	0,69±0,07*	1,02±0,08
зинадан тушиш ва чиқиш	1,61±1,22	1,58±1,22	0,84±0,52	1,27±0,44

Изоҳ: * Даволашдан олдин ва кейинги фарқ $p < 0,05$

